



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 139 (9.942) 2003 ЙИЛ 17 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ҳамда хотин-қизлар кўмитасининг 2003 йил биринчи ярим йиллик яқунлирига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

□ **БУГҲН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Сурнай сеҳри» деб номланган миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар байрам сайли бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри бўйича сурнайчилар кўриктанловчи уюштирилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида «Ўзбекистон—Франция» дўстлик жамияти тўмонидан Франциянинг миллий мустақиллик байрами «Бастилиянинг олинмиши» кунига бағишлаб катта тантанали маросим ўтказилди.


□ **КЕЧА** Юнусобод туманида жойлашган «Нуронийлар оромгоҳи»да ҳардиқ чиқарувчиларнинг табибёт билим юрти профессорлари билан саломатлик борасида давра суҳбати уюштирилди.

□ **БУГҲН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтган шаҳримиздаги меҳрга ташна болажонлар иштирокидаги «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи Тошкент шаҳар ўзари ижтимоий ёрдам «Ҳафрибонлик» жамияти ҳамда халқаро «Ёнгра» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Пойтахтимизда кичик Халқа йўлининг учинчи қисми қурилиши ишлари қизгин олиб борилмоқда. Улуғбек ва Уйгур кўчалари чорраҳасидаги кўприк (транспорт ечимини куришда «Тошметроқурилиш» трестининг 2-қурилиш монтаж бошқармаси бунёдкорлари фаоллик кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: бунёдкорлик ишларида муносиб ҳисса қўшаётган кран машинисти Тўраҳон Ғаниев.



Ҳақим Солиқов олган сурат.

Музейлар — маданиятимиз кўзгуси

Истиқлол шарофати билан юртимиздаги маънавий-маърифий масканлар фаолиятини тубдан яхшилашга катта аҳамият берилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 12 январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, юртимиз музейларида сақланаётган нодир осори-атикаларимизни асраб-авайлаш, муҳаммал ўрганиш, кенг тарғиб этиш, соҳада етук мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Бунинг самараси Ўзбекистон Давлат санъат музейи фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Музей биноси бунёд этилганидан буён ораддан кўп йиллар ўтган бўлсада, шу пайтгача бирор марта ҳам таъмирланмаган эди. Эндиликда мозийгоҳ

давр талабига мос равишда тўлиқ қайта таъмирланиб, энг замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланди.

Айтиш жоизки, мазкур даргоҳда миллатимиз ва бошқа халқлар тарихига оид 50 мингдан зиёд нодир осори-атика сақланмоқда. Булар Варахша археологик қазилмаларидан то Италия Уйғониш давригача оид бўлган тарихий жаҳоҳирлардир. Уларнинг аксарияти яқин эллик йил мобайнида томошабинларга намоиш этилмаган ноёб ашёлардир. Шу боис ана шундай осори-атикалардан ташкил этилган кўргазма томошабинларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айни вақтда музей жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастирунинг ҳаётга таътиб этили-

шига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ерда Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, Ўзбекистон Бадиий академиясининг тасвирий ва амалий санъат лицейлари ўқувчилари учун миллий санъатимиз тарихига оид ўқув ва амалий машғуллар ўтказилаётир. Тасвирий санъат соҳасида ўз йўналишига эга бўлиб бораётган ёш мусафирларнинг шахсий кўргазмаларини ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган.

Музей жамоаси Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Бу кўтуғ санга бағишлаб «Ўзбекистон санъати — мустақиллик йилларида» мавзuida кўргазма ташкил этилади. Музейдаги осори-атикалар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус альбом нашрдан чиқарилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Афғон болаларига туҳфа

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида мамлакатимиз ёшларининг Афғонистон ёшларига инсонпарварлик ёрдами нижати маросими ўтказилди. Унда Афғонистоннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Самад қатнашди.

Элчининг таъкидлашича, афғон ёшлари халқаро ёрдамларга муҳтож. Келаси ўқув йилида 4,5 миллион ёшлар мактабга, ўқув ортидаги ўқишга бориши керак. Лекин шундан 2,5 миллионига жой бор, холос.

«Бунёдкор» телеклуби ёшлари қўшни афғон ёшларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга бел боғладилар. Улар республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туманларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Натيجида ихтиёрий равишда 2,5 тонна инсонпарварлик ёрдами тўпланди. Унда, асосан, мактаб ахтиёжига зарур бўлган ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечақлар мавжуд.

«Туркистон-пресс».

Тошкентим — боғу бустоним

Ҳар бир томорқа хўжалигида эҳтиёж мавжуд бўлган бундай универсал асбоби бугунги кунда пойтахтимиз корхоналарида ишлаб чиқариш имконияти бор.

— Дарҳақиқат, шундай, бироқ бозор иқтисодий шароитида биз бевосита ҳамкорларга боғлиқмиз, яъни буюртма ташқордан бўлса, майса ўриш мосламасини ҳар қанча миқдорда тайёрлаб бериш имкониятларимиз бор, — деб таъкидлади биз билан суҳбатда «Технолог» акциядорлик жамияти лаборатория мудири Георгий Белов. — Икки йил аввал шаҳар Ободонлаштириш бош

бошқармаси буюртмасига асосан тажриба тариқасида бензинда ишлайдиган ўроқнинг дастлабки синов туркумини ишлаб чиқаргандик. Унинг чизмалари шу ернинг ўзида конструкторлик бюросида тайёрланиб, шакллари ҳам «Технолог»нинг синов җеҳозида қуйилганди. Ҳозирги кунда бу асбобларни шаҳар майдонлари, хиёбонлар, кўк майсазорларда иш жараёнида учратиш мумкин. Энг муҳими, бизнинг ўроқ ҳар қандай ўтти текис бўлмаган жойларда ҳам ўраверади. Унинг нархи Эрон, Туркия, Германия, АҚШдан импорт қилинаётган ва

асосан райграс майсазорларига мослашган ўт ўриш асбобларидан 2-2,5 баравар арзонроқ. Маҳаллий тарзда ишлаб чиқаришнинг ўроқнинг асоси бензинда ишлайдиган Россиянинг «Дружба» механик арриси двигателидан ташкил тоналган боис, унинг таннарихини ҳозирча янада пасайтиришнинг имконияти йўқ. Умуман олганда технологиясини кўриб чиқиб, бошқа қувватли ва ҳажмли моторларга ҳам мослаштиришнинг иложи бор. Бундан ташқари, агарда алоҳида бутловчи қисмлардан фойдаланилса, ўроқни аррага айлантириш, шунингдек ундан сув чиқариш ва узоқ масофагача суғориш ва селиш учун сепуви восита сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

ХХІ аср сақоси

Барча малбалардан олмиган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ижтимоий масалалар ва Бандлик кўмитаси ҳамда Матбуот ва ахборот кўмитаси томонидан «Миллий анъаналарни мустаҳкамлаш ва урф-одатлар ҳамда удулларни шакллантиришда маҳалла билан оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлик фаолияти» мавзuidaги анжуман ташкил этилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташиқилоти ташаббуси билан уч кунлик семинар-тренинг бошланди.
- Тошкент вилоятида Адлия вазирилиги, республика Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Адвокатлар уюшмаси, Сорос фонди билан ҳамкорликда «Фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш давлат лойиҳасини ишлаб чиқиш» мавзuidaги семинар ўз ишини бошлади.
- Пахтакор тумани галлакорлари Жиззах вилоятида биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларида 27 минг 555 тонна дон етказиб берилди.
- Жиззах вилояти марказини Жиззах ҳамда Фориш туманлари билан боғлайдиган улкан Гандумтош кўпригининг қуриб битказилиши аҳолига байрамолди туҳфаси бўлди.
- Интернет тизимида Андижон тўғрисида ҳикоя қилувчи янги сайт пайдо бўлди. Ундан Андижон аҳолиси, уларнинг ҳаёт тарзи, жумладан бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган андижонликлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.
- Тўрт нафар ўзбекистонлик журналист Қирғизистон ҳаётини ёритишдаги фаолиги учун махсус мукофотлар — Иссиқкўл курорт зонасига йўланмалар билан тақдирланди. Танловнинг биринчи босқичи ақунлари Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида эълон қилинди.

Жаҳонда

- Ҳиндистоннинг Покистондаги янги элчиси Исламободда фаолият бошлади. Элчининг келишидан мақсад — икки давлат ўртасидаги зиддиятларни юмшатишдан иборатдир.
- Россия Федерал хавфсизлик хизмати портловчи моддаларни йўқ қилишда фойдаланиладиган робот қурилмасига эга бўлди.
- Франциянинг жануби-ғарбида юз берган довул натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди ва 60 нафардан зиёд киши жабрланди.
- Европада жазирама иссиқ авжига чиққан бўлса, Перунинг жануби-шарқий худудларида тўсатдан ҳавонинг совиб кетиши натижасида кейинги пайларда 60 дан ортиқ болалар ҳаётдан кўз юмди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ижтимоий ҳимоя хизматларида қаҳратон совуқ ва унинг оқибатлари билан курашиш мақсадида дори-дармон ва кўрпа-тўшақлар сўраб мурожаат этишди.
- Олимплар инсон организмиде икки турдаги ВІСнинг бирлашиб кетишининг дастлабки ҳолатини кузатдилар. Бу эса вируснинг янги гибриди пайдо бўлишига олиб келди.

Иқтисодиёт

Матбаачилар

гайрати

Ўқувчиларнинг таътил даври марокли ўтаётган бир пайтда уларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун мактаб дарсликларини чоп этиш ишлари ҳам кизгин давом этмоқда.

Пойтахтимизда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб, сифатли матбаа махсулотлари ишлаб чиқараётган 1-Тошкент босмахонаси жамоасида ҳам бу борада ибратли ишлар олиб борилаётган. Корхонада 2-синф ўқувчилари учун «Ўқш китоби», 6-синфнинг «Она тили», 8-синфга «Информатика», 10-синфларга эса «Она тили», «Кимё», «Физика» ҳамда лицей ва коллежлар талабалари учун турли дарслик китобларини чоп этиш кизгин давом этмоқда.

Матбаачилар ушбу буюртмаларни, яъни 300 миллион сўмликдан зиёд дарслик ва қўлланмаларни сифатли килиб адо этиш йўлида гайрат кўрсатишмоқда.

Мармар плиткалар

Мухташ иморатлар ва замонавий биноларнинг ташқи кўринишига, фойелари ва зиналарига ажиб тароват билан пардоз беришда бугунги кунда мармар плитклардан кенг фойдаланилмоқда.

Чидамли ва мустаҳкам, чиройли ва ранг-баранг мармар плиткларни ишлаб чиқаришда шахримиздаги «Инвест-тош» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларининг ҳам ўз ўринлари бор. Италиядан келтирилган янги ускуналар билан жиҳозланган жамоада маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган сифатли курилдиш ашёларидан пойтахтимиздаги кўплаб иншоотларнинг бунёдкорлик ишларида қўлланилган. Олий Мажлис бинноси, Тошкент метроси, кейинги йилларда фойдаланишга топширилган лицей ва коллежлар шулар жумласидандир.

Корхона аҳли «Самарқанд-мармар» корхонаси, «Зармармар» шўба корхонаси билан ҳамкорликда иш юритади. Жорий йил ярмида жамоада 15 минг квадрат метрга яқин турли мармар плитклар ишлаб чиқарилиб буюртмачиларга етказиб берилди.

Шуниси эътиборлики, тадбиркорлар кўшни давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириб Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида шўба корхонасини очини режалашган. Корхонада мармар қилигидан шпаклёвка ишлаб чиқарилади.

Буюртма кўпаймоқда

Куриллаётган ҳар бир бино ўзига хос руҳда безалади. Айниқса, кейинги пайтда шахримиз кўркини очётган ойнаванд биноларимиз кўпайиб бормоқда.

Чиндан ҳам ана шундай рангли ойналарга бугун талаб катта. Шу боисдан ҳам «Настар» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари хориждан келтирилаётган ана шундай махсулотнинг ўрнини босадиган қорайтирилган ойналар ишлаб чиқаришни бундан бир неча йил олдин йўлга қўйишган эди.

Айни пайтда эса буюртмалар кўпайиб, изланишлар давом этиши натижа-сида рангли ойналар тури орт-иб бормоқда. Буюртмага караб ойнанинг қалинлиги 3 миллиметрдан 10 миллиметр-гачани ташкил этади. Шунингдек, тадбиркорлар синса ҳам сочилик кетмайдиган янги ойна турини яратишмоқда. Бу махсулот ташки безак учун қулай воситадир.

Дилноза ҒИЁСОВА

1.Йилдан йилга амалга оширилаётган эзгу ишлар, катта ўзгаришларнинг ҳаммаси буюк неъмат — қадри баланд истиқлол туфайлидир. Ҳадемай мустақиллигимизнинг муборак 12 йиллик тантаналари юртимиз бўйлаб шодибна қилинади. Мен тақдир тақозоси билан балоғат ёшимда меҳриғиёли, гўзал Тошкентга келиб қолгандим. Ўшандан буён умрим шу азим шаҳарда кечмоқда. Нимаики рўшноликлар кўрган бўлсам, қандай мартабаларга эришган бўлсам, жаннатмақон пойтахтда истиқлол туфайли эришдим. Жонажон Тошкентимда касб эгалладим, дўстлар орттирдим.

Истиқлол туфайли Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида юртимизнинг юксак муқофоти — «Дўстлик» орденига сазовор бўлдим. Уни кўксимга тақиб қўйганлариди қалбим буюк ифтихор, гурур хисларига тўлди.

2. Истиқлол шарофати-ла кўп қаватли уйлар бирлашти-

рилиб, маҳаллалар ташкил этилди. Айниқса, 2003-Обод маҳалла йили деб эълон қилинган, маҳалламиз янада ободонлаштирилмоқда, ҳаётимиз фаровонлашмоқда. Кўни-қўшни, дўсту қадрдонларим-

лики, тадбиркор, ишбилармон кишиларга давлатимиз томонидан етарли имкониятлар берилганки, ўз озод Ватанининг равнақи йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимиз гайрат-шижоати ўзгача. Мус-

билан бениҳоя фахрланаман. Чунки корхонамиз махсулотлари гўзал юртимизда амалга оширилаётган маҳобатли куриллишларда самарали қўлланилмоқда.

3.12 йил ичида пойтахтимиз яшарди, кўркамлашди. Унда қад ростлаган бир-биридан гўзал иморатлар, спорт иншоотлари, ўқув масканлари, кўприкларни ва бошқа кўплаб куриллишларни санаб адоғига етолмайсиз. Буларнинг ҳаммаси Истиқлол туфайли, шу сабаб ҳам Мустақиллик барчамиз учун улуг ва қутлуғ айём. Ҳар йили уни ютуқлар билан кутиб олишга интиламиз.

Келажакни эса ёшлар-сиз тасаввур этиб бўлмайдисиз. Фарзандларимиз қанчалик жиҳмонан бақувват, ақлан етук инсонлар бўлиб етишишса, албатта яхши касб-хўнар эгаси бўласлар, халқимиз эртаси янада фаровон, замонамиз тинч ва дастурхонамиз тўкин бўлади, деб умид билдираман.



Қадри баланд

«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига «Дўстлик» ордени соҳибаси, 8-темир-бетон махсулотлари корхонаси очiq ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси Клара ҚОСИМОВА жавоб беради:

нинг меҳрига қониб яшамоқдаман. Корхонамизда ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари эъзоз топмоқда. Ҳар бир фуқаро эркин ижод қилиш, бор истеъдодини намоён этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шуниси эътибор-

тақиллик туфайли корхоналарга янги, замонавий технологиялар жорий қилинмоқда. Уларни маҳаллий кадрларимиз моҳирона бошқариб, ишлаб чиқаришни янада юксалтириш йўлида тинмай изланмоқдалар. Мен ҳамкасбларим

Мамлакатимиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислохотлар изчил амалга оширилмоқда ва бу жараён давлатро миқёсда кенг эътироф этилаёттир. Бу эса жаҳон амалиётида қўлланилаётган юқори технология ва илгор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш, тажриба алмашувини таъминлаш эҳтиёжини юзага келтиради. Мамлакатимиз Президентининг «Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони худди ана шу масалани назарда туттади.

Ушбу ҳужжат Юртбошимиз таълим тизимига, ёш кадрларга алоҳида эътибор ва гамқўрлик қилиб келаятигандан яна бир далолатдир. Шу боис ҳам Фармон таълим соҳаси ходимлари, айниқса ёш илмий ва педагог ходимларнинг руҳини янада кўтарди. Улар бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўзаро ўртоқлашмоқдалар, матбуот, радио ва телевидение орқали изҳор этмоқдалар. Тошкентдаги 1-Педагогика колле-

фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилиятга эга истиқболли порлок ёшлар жуда кўп. Фармонда янги ташкил этилган Жамғарма грантлари асосида уларга «тараққий топган давлатларнинг илгор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириш ҳамда мақсадли тажриба орттиришига,

ЯНА БИР УЛКАН ОДИМ

жи директори Мунаввар ИСМОИЛОВА Президентимизнинг бу Фармони хусусида ўз фикрларини қўйидагича баён этди:

— Фармонда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан «Устоз» республика жамғармаси бирлаштирилиб, уларнинг негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташкил этилсин» дейилади. Тўғри, «Умид» жамғармаси шу пайтга қадар иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқитиш, «Устоз» жамғармаси эса грант асосида ўқитувчиларнинг хорижда тажриба алмашушини таъминлаш билан шуғулланиб келди. Улар яхши натижаларга эришганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Президентимизнинг мазкур Фармони эса кейинги босқичга — истиқболли педагог кадрлар ва илмий кадрларга эътибор қаратилгани билан янада ахамиятлидир.

Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида, илмий муассасаларида педагогик ва илмий

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига қўмаклашиш» лозимлиги айтилади.

Бизга замонавий билим ва тажриба билан қуролланган кадрлар керак. Демак, уларни тайёрлайдиган педагоглар ҳам замонавий билимга эга бўлиши шарт.

Ўрта-махсус касб хўнара таълими тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар соҳада амалга оширилаётган тўв ислохотлар талаби даражада ёшларга билим бера олиб, қанчалар деган савол мени ўйлантириб келар эди. Тўғри, биз замонавий коллежларга махсус аттестациядан ўтган педагогларни қабул қилишимиз. Бироқ малака оширишга бўлган эҳтиёж жуда катта. Уч йилда бир марта малака оширган ўқитувчи замона ҳамнафас бўла олиши қийин. Шу жиҳатларини ҳисобга олганда Президентимизнинг мазкур Фармони мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантириш борасидаги яна бир улкан қадам бўлди, дейиш мумкин.

(ЎЗА)

Биржа янгиликлари

Республика фонд биржасида 2003 йил 7 июлидан 11 июлигача бўлган савдоларнинг жами ҳажми 267 миллион сўмни ташкил қилди.

Ҳафта давомида 116 та битим қайд қилиниб, унда акциядорлик жамиятларининг 367 минг 400 дона акциялари сотилди. Шундан бирламчи бозорда 20 та олди-сотди шартномаси қайд қилиниб, унда 54 минг дона акция 127 миллион сўмга сотилди. Иккиламчи

бозорда эса 96 та битим қайд қилиниб 133 минг 400 дона акция 319 миллион сўмга сотилди. Соҳалар бўйича агро-саноат мажмуи олдинда бормоқда. Биржа умумий айланмасининг 27 фоизи унга тўғри келади. Ўтган ҳафта натижаларига кўра, Ўзбекистон фонд бозорининг умумий таҳсиҳ индекси 38 фунтга тушди ва 100,9 фунтни кўрсатди. Виллоятлар ва шаҳарлар бўйича Тошкент шаҳри корхоналари 28 фоиз кўрсаткич

билан олдинда бормоқда. Хоразм ва Фарғона вилояти корхоналари 21 фоиз билан ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳафта давомидаги энг йирик битим 7 июль кун имзоланди. Бунда «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятининг акциялари 57 миллион сўм бўлганлиги қайд қилинди. Иккиламчи бозорда Самарқанд «Дон махсулотлари» акциядорлик жамиятининг умумий ҳажми 10 миллион сўмлик акциялари савдо битими энг йирик битим бўлди. «Туркистон-пресс»

• ҲАМКОРЛИК

Машғаладек ёритиб туради

«Тошшаҳарийўловчитранс» Давлат уюшмасига қарашли «Рем-элтранс» очiq акционерлик жамияти электр транспортга техник хизмат кўрсатиш борасида бой тажриба орттирган. Бу ерда трамвай вагонлари, троллейбусларни созлаш учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Шу билан бирга электр ёриткич ускуналари ҳам қўллаб тайёрланмоқда. Бу эса «Тошшаҳар-нур» корхонаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини берди. Ўзаро келишувга биноан жамият бу корхонага буюртма бўйича 7 миллион сўмлик ёриткич молла-маларини етказиб беради.

Бу электр жиҳозлар Тошкент шаҳри кўчаларини тунда машғаладек ёритиб туришда қўлланилади. Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан корхона яна кўпгина бундай жиҳозларни ишлаб чиқаришга киришди.

Ақбар АЛИЕВ

• САНОАТ

Корхона буюмлари — халқаро кўргазмага

Жаҳон миқёсида уюштирилаётган йирик кўргазма ва танловларда «Совпластитал» ўзбек-италия кўша корхонаси махсулотлари ҳам совринли ўринлар билан тақдирланмоқда.

Яқинда Швейцариянинг Женева шаҳрида ташкил этилган халқаро кўргазма ҳам корхонага омад олиб келди.

Эндиликда корхона яна бир жиҳидий ижодий имтиҳон арафасида турибди. Шу йилнинг кузида Москвада ўтказиладиган халқаро кўргазмага қўллаб экспонатлар тақдим этилади.

Янги замонавий технологиялар бўйича ишлаб чиқарила бошланган ноёб махсулотлар намуналари кўпчиликка манзур бўлади деган ниятдамиз.

Бу экспонатлар рангли шиша, нафис чинни ва пишиқ сополдан ясалган буюмлардан иборат бўлиб, ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Нилуфар ЗИЯТОВА

Тошкентим — боғу бўстони

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада майса ўрувчи касбини яхши ўзлаштириб тўрт йилдан буён Амир Темур хибёнида фаолият кўрсатиб келадиган Вячеслав Фролов эса ўроқни фақат бензинда эмас, электр қувватида ҳам бошқаришни уйдалайди.

— Бунинг учун минигенераторнинг ўзи кифоя, — дейди Вячеслав, — аммо бундай электр ўроқдан уй шароитида фойдаланиш афзалроқ, зеро очик майдонларда электр қувватини ишлатиш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Таъкидлаш жоизки, бундай асбоб-ускуналарни харид қилиш имкониятига ҳамма ҳаваскор боғбон ҳам эга эмас. Минигенераторнинг нархи 200-250 минг сўм, четдан келтирилганларининг баҳоси эса 700 минг сўмдан 1 миллион сўмгача боради. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, уй шароитида ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган оддий ўроқ ёки пичоқ ишлатилади.

— Лекин боғдорчилик ва гулчилик билан шуғулланадиганлар учун шунинг ўзи кифоя эмас, — дейди 2002 йилнинг «Энг яхши боғбон» танлови ғолиби Ислон Мирзаев. — Шу қаторда бир неча хил ва турдаги асбоб ва мосламалар бўлиши даркор. Электр қуввати ёки бензин ёнилғисига мослашган майса ўрувчи каби механик асбоблардан ташқари боғ ва шудгорларда фойдаланиладиган бир неча қўл асбоблари ҳам мавжуд. Тоққайчи, новда кесувчи қайчи, арра, пичоқ, «яшил девор» қайчиши шулар жумласидандир. Тоққайчи дарахт ва бутасимон ўсимликлар куртагини, айланмаси бир ярим сантиметргача бўлган шохларни кесишда ишлатилади. Новда кесувчи билан қалин шохлар, шунингдек узун пояга ўтказган ҳолда юқорида жойлашган шох-шаббаларни ҳамда узум шохларини кесиш мумкин. Бундай вазиятда поянинг бир бошига боғланган арқон пастга тортилиб ҳаракатга келтирилса бас. Айрим асбоблар ўзининг ҳеч нарса босолмайди, бу эса томорқаларда баъзи муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Масалан, ҳозирги кунда савдода тоққайчи жуда ҳам учрайди, унга бўлган талаб эса юқори бўлиб қолмоқда.

Боғбоннинг сўзлари қанчалик ҳақиқат эканига шахримиздаги айрим

хўжалик дўконлари ва бозорларида ўрганиш ўтказиб ишонч ҳосил қилдик. Аниқланишича, тоққайчи асосан четдан келтирилган экан. Уни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Шу билан бирга шприц — сепгичлар, мева териш мосламаси, «шамол»-симон ҳаскаш ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш

бош бошқармасининг маълумотига кўра, бир пайтлар «Дендропарк» ўрмон хўжалигининг тажриба цехида «шамол»-симон ҳаскаш ишлаб чиқарилиши

лабларига мувофиқ иш кўриш мумкин. Кесишга, қазिशга мўлжалланган барча асбобларнинг истеъмолчилик сифатини белгилувчи мўҳим техник тавсифларига мазкур асбобнинг ишчи қис-

мларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материалнинг, яъни темир моддасининг ҳажм тарозиси ва маркаси киради. Масалан, стандарт бўйича тоққайчи

ҳажм тарозиси — 0,3 килограммдан, новда кесувчи ва белкуракники эса — 1 килограммдан ортик бўлмаслиги лозим. Бу каби асбобларнинг қиррасини мустаҳкам ва ўта чидамли даражага келтириш учун термоишловдан ўтказиладиган инструментал ва бошқа юқори сифатли пўлатлардан фойдаланилади. Ушбу

талабларни қондиришга лойиқ бўлган асбоблар бир йил давомида чархланмасдан яхши иш беради. Бу борада яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, бунинг учун махсус ишлаб чиқариш шароитлари бўлиши шарт. Қўли гул уста хунармандларимизда эса тегишли технологик ускуналар мавжуд бўлмагани боис, афсуски, бундай талабларга ҳар доим ҳам риоя қилиш имконияти бўлмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, дала ҳовли ва томорқа учун мўлжалланган асбобларни бир пайтларда катта миқдорда Тошкент асбобсозлик заводидан ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бугунги кунда эса мазкур корхонанинг ресурслари анча чегараланган. Демак, товар ишлаб чиқарувчилар бу масала устида бош қотириб кўрсалар ёмон бўлмасди. Шунингдек, тадбиркорларга ҳам уларни қизиқтирадиган таклиф бор. Ҳозирда боғ ва дала ҳовлилар учун мослашган махсус дўкон очишининг зарурати пайдо бўлди чоғи. Тўғри, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида айни кунда ягона бўлган боғдорчилик дўкони мавжуд, лекин унинг фалияти асосан импорт товарларга йўналтирилган. Балки ушбу дўконнинг моллари тури маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам бойитилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Иш қуролининг соз бўлса...


ўзлаштирилган бўлиб, шаҳарнинг кўча ва майдонлари, боғ ва хибёнлари учун буюртмалар ҳам бажарилган. Айни пайтда бундай асбобни Эски шаҳардаги хунармандлар растасидан харид қилиш ёки темирчиларга буюртма бериш мумкин. Шунингдек бу ерда кетмон, чопки, белкурак, бир неча хилдаги арраларни ҳам топиш мумкин. Чопки, қазичи, бошқа ер ишлари учун асосан 210 миллиметр бўлган универсал белкурак ишлатилиши, бундан ташқари алоҳида шароитда — чуқур қазичи учун 195 миллиметрли овалсимон; чопки қилиш ва қайта қазичи учун эса учбурчак шаклидаги шарнир мосламали белкураклардан фойдаланилиши хусусида кўргазмалар ҳам ташкил қилинган.

— «Технолог» корхонасида нафақат ўроқ, балки томорқада ишлатиладиган турли асбоблар, шу жумладан тоққайчининг ҳам ишлаб чиқариш шароити ҳамда имкониятлари бор, — сўзида давом этади Георгий Белов. — Аммо бунинг учун албатта буюртма бўлиши шарт, ўзбошимчилик билан бу ишга қўл ура олмайсиз. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, айрим асбобларни ишлаб чиқаришда стандарт та-

сонлар меҳнатидан гурурланишимиз, ҳар биримиз мана шундай ишларда, касбимиздан қатъий назар фаол иштирок этмоғимиз даркор.

Шаҳримизнинг қайси бурчагига бормаиллик, ҳузуур-ҳаловат топишни, гўзалликдан баҳра олишни истасак, ўзимиз ҳам бу ишга ҳисса қўшмоғимиз керак. Менимча, бунинг учун фарзандларимизни болагидан, ёшлигидан гўзалликка ошно этиш, гул ва дарахтларга алоҳида меҳр билан тарбиялашимиз жуда ўридли бўларди. Хонадонда гулли, дарахт кўчати ми экётганда болаларимизни ёрдамга ундашимиз, боғчада, мактабда, ўқув даргоҳларида ҳам мана шундай ишларга жалб этиб, шу билан бирга уларни авайлаб-парвариллаш сир-асрорлари ҳақида тушунтириш, синдириб пайхон қилмасликка ундаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро ўзимиз яшаётган, ўқиётган, ишлаётган даргоҳларимиз ён-атрофларининг гўзал бўлиши бизнинг ички гўзаллигимизга, меҳримизга боғлиқ.

Дилдаги гаплар



• **Карим ТУРСУНОВ**
Журжоний номли маҳаллада истиқомат қилувчи ҳаваскор боғбон:

— Умрида бирон дарахт ёки гул кўчати экмаган инсон бўлмаса керак. Тўғри экиш бошқа, уни ардоқлаб парвариллаш, кўрган кўзалар кувнайдиган даражага етказиш ўзгача масъулият талаб қилади. Шу боисдан ҳам шахримизга ўтказётган ҳар бир кўчатиимизнинг ўзига хос хусусиятлари, атроф-муҳитга, пойтахтимиз кўркамлигини таъминлашга мўҳим ҳисса бўлиши инobatта олинishi лозим. Албатта, бу борада мутахассислар — уста боғбон, чевар гулчиларнинг маслаҳатлари ниҳоятда фойдалидир.


• **Малика ҒОЗИЕВА,**
214-мактаб директори:

— Шаҳримиз жамолидан ҳар қанча фахрлансак оз. Шу билан бирга унинг чиройига чирой қўшаётган, ободончилигини таъминлаб, кўкаламзор-гулзорга айлантираётган ин-

• ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ

НАРГИС

Кўпроқ бу гулли нарцисс деб аташади. Амариллис оиласидан, пиёзи билан кўпаядиган, оқ, оч ва тўқ сариқ, юпқа ҳамда




духоба кўринишида учрайдиган нарциссининг 12 мингдан зиёд турлари етштирилган. Айрим қувур шаклидаги нарцис гуллари йирик, оқ сариқ, баъзиларининг ранги — қизил аралаш бўлади.

Шу кунларда нарцис пиёзларини айни қазиб олиш муддати келган. Қазиб олинган пиёзларнинг йиригини майдаларидан ажратиб, кумга кўмилган ҳолда қоронгулик шароитида ноябрь ойига қадар сақлаш тавсия этилади. Кузнинг якуний ойида ҳар бир пиёз оралиғи ва чуқурлиғи беш сантиметр бўлгани ҳолда экилади. Тупроқни ҳаскаш билан бир неча маротаба тортиб ўтиш лозим, нега деганда нарцис пиёзлари ширасимон бўлгани боис уни майна қушлари чўқиб ташлаши мумкин. Кейинги мавсумда майда пиёзларни қазиб олиш шарт эмас. Бир йил ўтгандан сўнг улар катталашиб иккинчи йилига гуллай бошлайди.

ТАГЕТЕС

Бу гулли кўпчилик сариқ духоба деб ҳам атайди. Ўтли гуллар тоифасидан, 26 та тури бор. Манзарали боғдорчи-



ликда асосан тўғри ўсадиган африкан, энгашган француз, юпқа баргли мексикан турлари тарқалган. Тагетес сариқ, қизил-сариқ, жиғаранг-сариқ гуллайди. Илдизи чуқурлашиб кетиши боис тагетесни ёшидан қатъий назар жойдан-жойга кўчириб чатиштириш мумкин.

Духоба гул илиқ-иссиқ ҳавога ўч, уни шимолдан эсувчи шамолдан ҳимояланган жойларга экиш тавсия этилади. Кўёш бўлмаса ҳам гуллаши мумкин, қуруқликка чидамли, лекин намликда яхши гуллайди, ўғит берилса, янада ривож топади. Ҳар хил тупроқда, ҳаттоки қаттиқ ерда ҳам мослашиб кетиш хусусиятига эга.

Тагетес кўчат ёки уруғи орқали кўпайтиради. Уруғи совуқдан панароқ жойга апрель ойи охирида сепилса тез орада унинг чиқади. Сўнг иссиқ кунлар олдидан жой-жойига ўтказилади. Уруғлари туллагандан кейин 30-40 кунда пишши. Уларни асосан йирик гуллардан териш лозим.

Тагетес қанчалик қуюқ экилса, шунча чиройли манзара кашф этиши мумкин, айниқса майсазорлар четида ўзгача кўринишга эга бўлади.

• МУСОҲАБА

Аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатиб

Акмал Икромов туман меҳнат бўлими ходимларининг асосий вазифаси бошқа туманлардаги каби банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашдан иборат. Меҳнат бўлими томонидан амалга оширилган ишлар, унинг ҳамкорлари, умуман кўп қиррали фаолият ҳақида бўлим раҳбари Маҳмудали МИРАЗИМОВ бизга куйидагиларни гапириб берди:

Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларга 14 нафар малакали, файр-шижотли, ўз зиммаларидаги вазифаларга сикдидилан ёндошувчи нозирларимиз бириктирилган. Ишлар асосан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган йўналишлар бўйича ташкил этилади.

Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда икки ёшгача ва ўн саккиз ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозоридан тенгма-тенг рақобатга кирিশолмайдиган қасми — ёшлар, кўп болали ҳамда ногирон фарзандли оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус, олий ўқув юртлирининг битирувчилари ва жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ҳам меҳнат бўлими ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар сирасига кирилади.

Бўлимимизга 6 ой давомида 1135 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро муружаат қилди, шулардан 1066 нафари рўйхатдан ўтказилди. 842 нафари эса тумандаги турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Ишга жойлаштириш масаласида қисқа муддат-

ли жамоат ишларига фуқароларни ишга жалб этишга алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Жорий ойда 5 та, йил бошидан эса 73 нафар фуқаро жамоат ишларига йўлланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «Амнистия тўғрисида»ги Фармони асосида жазо муддатини ўтаб чиққан шахслар билан алоҳида иш олиб борилмоқда. Мисол учун туманимиздаги 77 нафар жазо муддатини ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш, ўқишга юбориш, соғлигини тиклаш зарур бўлганларини даво муассасаларига жойлаштириш каби юмушлар тўла удрланди.

Меҳнат бўлимига муружаат этган фуқаролар ҳар ойда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юборилади. Жумладан, йил бошидан буён 185 нафар фуқароларга ўқув марказида турли касб-ҳунар ўрганиш учун ўқишга йўлландилар берилди. Мазкур ишлар маҳаллалар нозирларининг фаолиятлари самарасидир. Чунки улар маҳаллаларда доимий мониторинглар ўтказиб борадилар ҳамда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан бир қаторда, маҳаллалар билан ҳам

мунтазам иш олиб борадилар. Шунингдек, нозирлар томонидан йил бошидан бери бир нечта ҳудудий меҳнат ярмаркалари ўтказилди, фуқароларнинг уларда фаол иштироклари таъминланди.

Ҳозирда туманда банд бўлмаган фуқаролар сони 5728 тани ташкил этиб, шулардан 4323 нафари 16 дан 30 ёшгача бўлганлардир. Йил бошидан буён тумандаги 6865 оилаларнинг 2 ёшгача бўлган болаларига 66.931003 сўм, 18.745 нафар 18 ёшгача бўлган фарзандларига 114.355367 сўм нафақа пуллари берилди.

Эътиборли томони, жорий йил бошидан буён 1303 та янги иш жойлари ташкил этилди ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан кўп талаб қилинаётган касблар ҳақида ҳам алоҳида маълумотлар берилмоқда.

Жорий йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги, маҳаллалардаги ҳар бир хонадон аъзоларининг тинч-тотув яшаши, ҳаётларининг янада фаровон бўлиши албатта фуқароларимизнинг меҳнати, самарали сазй-ҳаракатлари туфайлидир. Банд бўлмаган аҳолининг хоҳиши, интилиши ва иқтидорига кўра иш билан таъминлаш биз, туман меҳнат бўлими ходимларининг бевоқиф ва вазифамизга кирилади. Бу йилда барча имкониятларимизни ишга солашим.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
эзиб олди

• БАНДЛИК ХИЗМАТИ

Алоҳида эътибор

Пойтахтимизнинг барча туман меҳнат бўлимларида ишлар қизгин. Хусусан, Собир Раҳимов туман меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимининг ўзини ўзи бошқариш органларига — маҳаллаларга бириктирилган меҳнат нозирларининг фаолиятлари қизгин паллада кирган.

Бундан ташқари, меҳнат бўлими ходимлари мактаб ўқувчиларининг ёшга таътилларида уларни мавсумий иш билан таъминлаш юзасидан ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Тумандаги «Тола» фабрикаси ҳамда тумангаз раҳбарияти билан келишган ҳолда 100 нафарга яқин ёшлар 2-3 ойлик шогирдлик ишга жалб қилинмоқда. Ўз вазифаларига сикдидилан ёндошувчи Гулчехра Ҳамидова, Озо-

да Сулаймонова, Феруза Одилова, Рухсара Ганиева каби кўплаб маҳалла нозирлари ёшлар билан иш олиб боришда фаол ҳаракат қилишмоқда.

Эътиборли томони, меҳнат бўлими ходимлари ёшларни нафақат ишга жойлаштиришда, балки уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, муаммолар юзга келса ечимини топишда кўмаклашди.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА

ИШГА АМАРҲАМАТ!



«Камолот» ташаббуси билан

Шаҳримизнинг барча туманларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган қатор тадбирлар, жумладан иш билан банд бўлмаган аҳоли, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш борасида турли хил тадбирлар, меҳнат ярмаркалари ўтказиб келинмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими ва туман меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими хайрли ишга қўл уришди. Эртағимиз давомчилари бўлиши ёшларни иш билан банд этиш, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўрсатилган вазифаларнинг таътиб этилишини таъминлаш мақсадида режали асосда бу йил олий ўқув юртлирини битирган туманда истиқомат қилувчи эллика яқин ёшлар «Тошкент голф клуби»га таклиф этилди.

Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, «Сувмаш», «Иргидромаш», «Узкеймас», Тошкент мотор заводи каби йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этишди.

Ёшлар билан учрашувда туман ҳокимининг ўринбосарлари А. Алимов, Х. Илхомов, туман меҳнат биржаси раҳбари М. Толпоповлар сўзга чиқишди, тумандаги корхона ва ташкилотларда олий маълумотли мутахассисларга нисбатан эҳтиёж, бўш иш ўрин-

корхона-ташкilotларга жойлаштирилди. 66 нафар киши касбга ва қайта касбга ўқишга юборилган бўлса, 14 киши жамоат ишларига жалб этилди. 400 та янги иш ўринлари яратилди.

Учрашув чоғида туманда истиқомат қилувчи Тошкент автомобиль йўллари, авиация институтларининг битирувчилари ҳам ўзларини қизиктирган масалалар бўйича сўзга чиқиб, саволларига жавоб олишди.

— Шаҳримиз бўйича бундай тадбир «Камолот» ЕИҲ Бектемир тумани бўлими кенгаши раиси Илхом Алимов. — Битирувчилар билан бундай учрашувлар кейинчалик маҳаллаларда ҳам ўтказилади. Турли соҳалар бўйича мутахассисликка эга битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўмаклашиш борасида туман кенгаши керакли маслаҳат ва ёрдами билан бундан кейин ҳам аймайди. Чунки, жорий йил давомида «Камолот» ЕИҲ Бектемир туман кенгаши томонидан 23 нафар ёшлар ишга йўналтирилди. 14 таси ўқишга юборилди.

Хайрли ташаббуснинг қаноти бўлади, деганларидек, ўйлашмики ёшларни ишга йўналтиришга қаратилган бундай тадбирлар шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этилади.

Дипмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Гольф клубида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.



• СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Шартномавий муносабатлар механизми

Юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг муҳим шартларидан ҳисобланмиш — аксарият корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган шартнома механизми ҳақида маълумот беришигизни сўрайди.

Моҳира, Сардор Халиловлар,
Миробод тумани.

Шартнома бу, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишининг ҳуқуқий воситасидир. Тарафларнинг ўзаро келишган ҳолда, маълум бир мақсадга эришиш учун ўз зиммаларига фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.

Шартнома биринчидан, уни тузган тарафлар манфаатига зид бўлмаглиги, амалдаги қонун ҳужжатларига мос келиши, тарафлар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши лозим. Шартномада мажбуриятларни таъминлайдиган жавобгарлик чоралари назарда тутилган бўлиши керак. Дастлаб тузилладиган шартноманинг предметини, яъни нима юзасидан тузилишини ва унинг оқибатидан келиб чиқадиган натижаларни аниқ тасаввур қила билиш керак. Яъни ётказиб берилладиган товарнинг (ишининг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини акс эттириш, шартноманинг бажарилиш муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятларини белгилаш, шартнома ва мажбуриятлари тўла ёки қисман бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузилган сана ва жой акс эттирилиши шарт.

Ҳар қандай шартнома мазмунан қонун ҳужжатлари талабига ва тарафларнинг мақсади ва манфаатларига мос равишда тузилган бўлиши зарур. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортик суммадаги ҳўжалик шартномалари ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалаб қилинган адвокатларнинг ёзма ҳулосаларидан кейин тузилиши лозим бўлади.

Пойтахтимиздаги маҳаллаларда Обод маҳалла йилида ибратли ишларни амалга оширишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Чилонзор туманидаги «2-Чарх-Камолот» маҳалласида ҳам ҳозирги кунда иккита ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритиб, аҳоли учун керакли маҳсулотларни тайёрламоқда.

• МАҲАЛЛАЛАРДА

Янги ишчи ўринлари

Мазкур цехлардан бирида тайёр чинни идишларга қўлда гул солинади. Чиройли, ёрқин гуллар чизилган коса, пиёла, ликобчалар каби уй-рўзгорда зарур бўлган чинни буюмлар маҳалла аҳлига манзур бўлмоқда. Иккинчи трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехда эса (у бир ой аввал ишга туширилган) бир кунда 400-500 дона кийим-кечаклар тижилмоқда. Ёш тижувчи қизларнинг меҳнатлари туфайли тайёрланаётган бежирим эркаклар ва



болалар майкалари, чақалоқлар учун кийимлар харидордир.

— Маҳалламизда ишлаб чиқариш цехларини йўлга қўйишимиздан мақсад, — дейди маҳалла оқсоқоли Зоҳид ака Отаметов. — Биринчидан ёшларимизни иш билан таъминлаш, шунингдек, олинган даромад ҳисобидан маҳалламизда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишдир. Шуниси эътиборлики, худудимизда ўтказиладиган турли тадбирларда чинни асбоблар совға-салом сифатида топширилмоқда. Бундай чинни буюмлар ҳар қандай уй бекасига ажойиб совға ҳисобланади-ки, бунинг устига улар ўз маҳалладошларининг меҳнатини самарасидир.

Тижувчилик чеҳида ишлаётган ёш қиз-жувонлар ҳам ўз малакаларини ошира бориб маҳаллада фаолият юритаётган ҳамда аҳолига зарур бўлган кичик ишлаб чиқаришга муносаиб ҳисса қўшмоқдалар.

Комила МИРКАМОЛОВА

СУРАТЛАРДА: трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехда меҳнат бир мазроудга кечмоқда; чиннига гул солувчи Гўзал Юнусова иш устида.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Замонавий касблар эгаллашади

Ахборот технологияларисиз тараққиётга эришиб бўлмаглигини давримиз тасдиқ этмоқда. Шу сабабли ҳам ахборот ва коммуникацион технологиялар бўйича мутахассис кадрларга меҳнат бозоридан талаб катта.

Тошкент ахборот технологиялари университети айнан ана шундай йирик ва нуфузли олий ўқув юртидир. Бугунги кунга келиб, у 5 та факультет, 32 та кафедра, 31 та ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларига эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона билим масканига айланди.

Телекоммуникациялар соҳасининг жадал тараққиёт этиштириши ва баҳосини акс эттириш, шартноманинг бажарилиш муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятларини белгилаш, шартнома ва мажбуриятлари тўла ёки қисман бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузилган сана ва жой акс эттирилиши шарт.

Ҳар қандай шартнома мазмунан қонун ҳужжатлари талабига ва тарафларнинг мақсади ва манфаатларига мос равишда тузилган бўлиши зарур. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортик суммадаги ҳўжалик шартномалари ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалаб қилинган адвокатларнинг ёзма ҳулосаларидан кейин тузилиши лозим бўлади.

педагог-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Ўқув масканида 3 та кафедра, жами 46 фандан дарс машғулотлари ўтказилади.

Олий ўқув юрти қошидаги лицей-интернатда 200 ўқувчи ўқийётган бўлса, академик лицейда яна 300 нафар иқтидорли ўқувчилар ушбу соҳага йўналтирилмоқда.

Академик лицей талабаларининг ўқишдаги ютуқлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги турли йўللар билан тақдирланиб, рағбатлантирилиб боришмоқда. Масалан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасис этилган стипендияни кўрсатиш мумкин. Ҳозирда лицейнинг 2 нафар талабаси мазкур стипендия совриндоридир. Университетда, академик лицейда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти ёшлар ўртасида кенг қўламли ишларни олиб бормоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

• МУЛОҲАЗА

Айтсам тилим, айтмасам...

Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Аммо, ҳаётимиз ҳар доим ҳам бир текисда кетавермас экан. Кечагина уйинқардоқ, шўху шаддо до талаба эдим. Бугун эса иш топа олмай сарсон-саргардон бир инсонман.

2002 йил Собир Раҳимов туманидаги Молия-Банк коллежини тугатилдим. Оруларим осмонга тенг эди. Институтга кирдим бироқ, контрактга тушганим боис ўқишни давом эттира олмадим, чунки оиламизнинг белгиланган пулни тўлашга қурби етмасди.

Менга бир хил жавоб беришарди. «Ҳозирча бўш ўрин йўқ, бўлиб қолса ёрдамлашимиз». Ўзим Акмал Икромов туманида истиқомат қиламан, бир дўстимнинг маслаҳатига амал қилган ҳолда туман Меҳнат бўлимига ариза билан муружаат қилдим. У ердигилар, айниқса бош нозир менга ёрдам қилишга астойдил киришди.

Бироқ, улар топган ишининг биронтаси, аксарият ҳолларда маоши камлиги билан мени қониқтирмади.

Мен дийдиб қилмоқчимасдим, бу йигит кишига сира ярашмайдиган олат, аммо газетангизнинг «Ишга марҳамат» саҳифасига кўзим тушди-ю дилимни ўртаётган саволлар яна қадибимни тирнай бошлади. Менга ўхшаган дипломини сандиққа ташлаб бошқа ишлар билан шугулланаётганлар кўп, уларнинг ҳаммасини ишсизлик дарди қийнайди. Ҳозир бозордаман, озми-кўпми оиламизга нафим тегиб турибди. Тўнғич фарзандман, икки укам, бир синглим бор... Эртдан кечгача мева-чева сотаман. Тирикчилигим ўтиб турибди. Балки яхшироқ иш топганимда фақат оиламга эмас, юртимга, халқимга аянгина нафим кўпроқ тегади. Фикримча, яхшироқ ишларда ишлаш учун ё бақувват танишининг ёки кўпроқ пулинг бўлиши керак. Ё гапим нотўғрими?! Сиз бунга нима дейсиз?..

Ахтам РЎЗИЕВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим домо бўлур...

● Улфатнинг шарт — қулфатни тарқ этишдир.

● Қайта-қайта узр айтиш, қилинган хатони эсга тушириш демакдир.

● Мусибатни яшириш — мардлик белгисидир.

● Шикоят — ожиз кишининг ўзини ҳимоя қилиш учун танлаган қуролидир.

● Тўғрилиқда ўлиш — ёлгончи бўлиб узок яшайдан хайридир.

● Бировга жабр-жафо, зулм этган киши қилган зулмининг охир натижасини кўрмасдан қолмайди. Киши зулмининг қандай ёмон иш эканини англаши учун бундай зулмни ўзига қилинишини фараз қилсин, у вақтда зулмининг қандай ёмон иш эканини англайди.

● Шах Саддий айтиди:

— Бир золим, мардумозор ҳоким бир тақводор, эзгу одамнинг бошини тош отиб жароҳатлади. Эзгу одам золим ҳокимдан ўч олиш кучига эга эмасди. Шунинг учун у тошни ўзи билан асраб, қулай фурсат келганда ўч олишни кутишга мажбур бўлди.

Бир кун у золим одам подшоҳнинг қазабига дучор бўлди. Подшоҳ уни бир чога ташлаттирди. Эзгу одам чоҳ ёнига келиб ўша сақланган тошни золимнинг бошига отди. Золим:

— Кимсан? Бу тошни нега менинг бошимга отдинг? — деб кичкирди. Эзгу одам айтди:

— Мен фалон кишиман. Эсингдари, бир кунги тош отиб бошимга жароҳат етказган эдинг. Бу тош ана ўша тошдир.

— Шу вақтгача қаерда эдинг? — деб сўради золим.

— Сен мансабдор бир киши бўлганин учун у пайтда интиқом олишдан ожиз бўлдим, тошни асраб, қулай бир фурсат кутардим. Мана энди интиқом олиш фурсати келди. Бу фурсатдан фойдаланиб, менинг бошимга отган тошинг билан ўзингни урдим, — деб жавоб берди эзгу одам.

Байт:

**Шамъи парвонани чу куйдирди,
Тез бирён бўлгуси ўз ёнига.**

● Бир олим сўзини тўртга бўлади: Сўзнинг бир қисми фақат зарар, иккинчи қисми фақат фойда келтиради. Учинчисининг фойдаси ҳам, зарари ҳам бўлмайди. Тўртинчисининг зарари ҳам, фойдаси ҳам бўлади.

Фақат зарар келтирадиган сўздан тилни тийиш, сукут қилиш керак. Зарари ёки фойдаси бўладиган сўзнинг зарарини битирадиган фойдаси маълум бўлмаса, бунда ҳам сукут қилиш тавсия қилинади. Агар диққат қилмасдан, эътибор бермасдан сўзланса кутилган фойдани бермайди.

Бир шoir айтиди:

**Очик қўли, қушода юзли бўлгин,
Муруватли, мулоим сўзли бўлгин.**

● Ҳамма одамга сен яхши қилиқ қил, Тилингни ушг, чиройини илқ қил.

● Оила табиатининг шоҳ асарларидан биридир.

● Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир, шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш тўғусидир.

● Фақат оила ғамини еб яшаш ҳайвоний очқўзликдир, бир киши учун яшаш — тубанлик, фақат ўзи учун яшашоклик эса шармандалиқдир.

● Оилавий ҳаёт ўзаро муҳаббат билан боғланган бўлса, катта бахт келтириш мумкин.

● Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин.

● Ўз уйда бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

Карнай-сурнай овозини эшитганда Бир зум сукут сақлаб қоласиз. Ширин хаёллар бутун борлигини «чулғаб олади. Дарҳол кўз олдингизга оқ либосга ўралган гўзал келинчақ, устига ярашиқли зарбол тўн кийган бахтиёр куёв йигит келади. Не ажабки, сиз уларни таниб-танимасангизда барибир бахт уйига қадам қўяётган бу икки ёшга яхши тилақлар билдирасиз.

Аслида ҳам бизнинг орзули удумларимиз кўп. Лекин уларнинг орасида энг сараси ҳам, энг сирлиси ҳам никоҳ тўйи. Бундай тўйларни ўтказиш халқимизнинг азалий одати, орзу-истаги. Чунки ўғил-қиз ўстирган ота-она борки, бир умр фарзандимнинг орзу-хавасини, яхши тўйларини кўрсан деб ният қилади. Ўзига монанд оиладан келин тушириши, қизини ҳалол, покиза, бо-обру хонадонга узатиш истаги билан яшайди. Ота-она учун тўй мажбурият, бурч. Бироқ, ҳар бир ишда чеғара бўлганидек, тўйларимизда ҳам меъёрни унутмаганимиз маъқул.

Ота-боболаримиз кўпинча дуо ўқишганда «Хаммамизни тўйга етказсин» деб ният қилишади. Бу гапнинг тагида катта маъно бор, албатта. Лекин бу баъзиларнинг таъбирича: бор бисотингни харжлаб, бировдан қарз-хавола кўтариб бўлса ҳам шохона тўй қил, хамманинг оғзи очилиб қолсин дегани эмас. Балки баҳоли қудрат, ҳолингга қараб, топиш-тутишингни чамалаб, кўпчилик билан маслаҳат, ўзгаларни ғашини келтирмайдиган даражада тўй қилки, ўртада сиз ҳам, қараб ҳам куймасин дегани.

Албатта бу ҳақда кўп гапирялмиз. Шохона тўйлар ҳақида кўп ёзаялмиз. Аммо натижаси яхши кўринмаётти. Халқимизда отанг маҳалла, онанг маҳалла, деган ажойиб нақл бор. Тўйимиз ҳам, азамиз ҳам маҳалла билан. Шунинг учун удумларимизга ўта нозиклик билан ёндошилади. Бу борада гап борганда Президентимиз Фармонларни асосида тўй ва маросимларни тартибли ва ихчам ўтказиш бўйича жойларда бир қанча хайрли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим. Хабарингиз бор кўпчиликнинг тақлифига биноан шахримизда тўй ва маросимларимизни ўтказишнинг мақбул йўллари изланиб, айниқса наҳорга бериладиган ош маълум бир мuddатда — соат 7.00 дан бошлаб ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб топилган эди. Ҳатто чиройли тақлифномаларга уларнинг вақти аниқ ёзилаётганини барчани кувонтирганди. Кейинги пайларда бу ишлар яна эътибордан четда қолаётгандек. Афсуски, бу борада бошланган хайрли юмушларга баъзилар бефарқ ёки очигини айтганда, белисанд бўлишмоқда. Кўпинча улар тўй ва маросимларни ўтказишда маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашишни ҳам эп кўрмаёттилар. Натижада кўпчиликнинг гапи ерда қолмоқда, дабдабали тўйлар авж олмақда. Бу эса оддий кишилар ғашини келтирмоқда.

Шу ўринда ўз-ўзидан ҳўш, дабдабали тўй, маъракаи ўтказишдан мақсад нима, деган савол туғилади. Жавоби эса оддий. Албатта, бу ўз-ўзини кўрсатиш, бой-бадавлат эканлигини намойиш қилиш, бошқалардан ортиқроқ даражада яшаётганлигини билдириш, шу билан эл-юрт, таниш-билишлар орасида ҳурмат орттириш юзасидан қилинадиган иш. Зеро, гап дабдабали тўйлар ҳақида бораётган экан, бу ҳақда баъзи бир ҳаётий мисолларни келтирсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Кўпни кўриб турмуш аччиқ-чучуғини бошидан кечирган отахон ва онахонларимиз кўпинча эртани ўйламай қилинган ишнинг оқибати хайрли тугамайди, деб башорат қилишади. Ўшанда ҳам ЗАГС маросими эди. Куёв ва келиннинг никоҳ маросимини тантанали нишонлаш мақсадида катта бир ресторандан жой олинди. Зални

Қадриятларимиз

тўлдирган куёв навкарлар, келиннинг дурдоналари, узок-яқинлар ўша дамда бор бисотларидаги ширин сўзларни аяшмади. Икки ёшга бахтдан тахт тилади.

Куёв-келинни олиб юришга ёлланган хайдовчилар ҳам даврдан ўрин олишди. Улар қувноқ ўйин-кулги, ҳазил-мутойибалардан очилиб кетиб хизматни ҳам унутишди. Дастурхонга қатор териб қўйилган спиртли ичимликлардан бебаҳра қолмаслик учун дастлаб улардан бироз татиб кўришди. Кейин...

Таърифи дoston ЗАГС маросими тугагач йўлга чиқилди. Хайдовчилар орасида ким ўзарлик бошланди. Шундай қувиб ўтишларнинг бирида куёв-келин тушган машина рўпарадан келадиган автобусга урилди. Тўй азга айланди. Не-не орзу-умидлар билан бир ёстиққа бош қўйишга аҳд қилган икки ёш муродига етолмай, оламдан бевақат кўз юмди. Манманлик, шухратпарастлик, дабдабозликнинг оқибати шундай яқун топди. Ота-боболаримиздан

шимиздан ибрат олишади. Энди айтнинг шу тўйда столдаги бисёр ичкиликлардан ота-она бемалол ичиб ўтирса, баъзан ўзини тутолмаган оталарнинг оғзидан боди кириб шоди чиқиб турса, ҳўш унда ёшлар биздан нималарни ўрганишади? Ичкилик ичишимиз ёки сўкинишимиз?

Ўзи биз тўйига нима учун борамиз? Куёв ва келинни табрикламоқ, орзули кунга эришган отилани кутламоқ, дўстлар дийдорига тўймоқ учунми ёки олдимизга ёзилган бадастир дастурхондаги ноз-неъматлардан тўйгунча тоғимок ва ҳушимизни йўқотгунча ичкилик ичмоқ учунми? Албатта бу саволга кўпчилик биринчи жавобни беришади. Лекин орамизда тўйга еб-ичиш ва иш-шадга ичкиликдан қониб ичмоқ учун борадиганлар ҳам топилар экан. Яқинда шундай ҳолни ўзим кузатдим. Ичкиликсиз ўтган тўйда ишим бор деб тўй ўртасида ўрнидан туриб кетган баъзи дўстларимиз, шу куннинг эртасига ичкилик бисёр бўлган тўйда ярим ке-чагача ўтириб, ҳўшини йўқотгунча ичкилик ичишганига ўзимиз гувох бўлдик.

Тўйларимиз санъаткорсиз ўтмайди албатта. Йигиларимизнинг ҳар жиҳатдан тартибли ва кўнгили ўтиши тўйга тақлиф этилган санъаткорларнинг маънавиятига, инсофу диёнатига ҳам боғлиқ. Йимон эътиқодли, маданиятли, мазмуни сўз, халқимиз дидига мос бўлган куй ва қўшиқлар билан даврга фойз киритадиган санъаткорлар таъриф буюрган тўйлар ҳар томонлама намунали ўтаётганлигига ўзимиз шохид бўлиб турибмиз. Аксинча бепардоз яллалару, ер депсиниб ўйнашлар, никоҳ маросимларида келин ва куёвнинг ота-онасини, аммасидан тортиб ҳолисанга ўртага тортиб, шу орқали кистир-кистирини кўзлаб, мўмай пул ишлаб қолиш ниятидаги маънан бузқ отарчилар (халқимиз уларни шундай деб аташади) иштирокидаги тўйлар кўпинча дабдабозликка айлиб, оқибатда хунук жанжаллар билан тугаётганлигига ҳам ўзимиз гувох. Энг муҳими йўлбошимиз Фармониде таъкидланганидек, бундай иллатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир гап кўпчиликнинг ота-онамизнинг қадрига триқилгида етмайди деган оламдан ўтганда кейин марҳумлар руҳини шод этиш учун уларнинг барча таъзияларини дабдабали ўтказишга ҳаракат қиламиз. Гўё шу билан улар олдидаги гуноҳимизни ювгандек бўлимиз. Баъзан эса орамизда ўз хурматини ошириш, маҳалла-куёмга ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйиш юзасидан ҳам шундай йўлни тутадиганлар учраб туради. Уларга қарата файласуф шoir Мақсуд Шайхозоданин хаммамизга аллақачонлар ёд бўлиб кетган ушбу байтини яна бир бор эслатиб қўйишни лозим топдик.

**Дўстлар, тирликларни авайлаб асранг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг,
Ўлганда юз соат йилга тургандан,
Уни тиригида бир соат йўқланг.**

Хуллас, гапираман десанг гап, ёзаман десанг сўз кўп. Шу ўринда фикримизни муҳтасар қилиб айтмоқчимизки, зеро биз мустақил юртимизнинг бой ва бадавлат фуқароларига айлиб бораётган эканмиз, эл-юрт кўз ўнгиде яхши одат ва узок йиллик аъналаримизни менсимасдан, ўзимизни сохта дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш билан кўз-кўз қилиш ўрнига чўнтагимиздан тошиб чиқсан ортиқча маблағларимизни эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳаражат қилайлик. Ана шунда бу хайрли ишдан савоб кўпроқ тегади. Мана бу ҳақиқий одамийлик, эл-юрт олдида ўзига ҳақиқий обрў орттириш бўлади. Ахир бекорга ҳам йўлбошимиз: «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун ичиши керак», деб бежиз таъкидлаётганлари йўқда.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



ТўЙЛАРИМИЗ ЗАМОНАМИЗГА МОС БЎЛСИН

қолган миллий расм-русумларимиз, муқаддас аъналаримизни менсимаслик оқибати фожиа билан тугади.

Баъзан ўйлаиб ўйинга етолмайсан. Олдинда турли-туман саволлар қўндак бўлади. Бошимизга Хумо куши қўниб яхши кунлар келди. Мустақиллик бизга озодлик берибгина қолмай, балки йўқолган, топталган эркимизни ҳам қайтарди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланди. Бўёғида энди биз яйраб-яшаб, умр бўйи бундай олий неъматнинг шукронасини қилиб, уни янада мустаҳкамлаш йўлидан боришимиз керак. Бироқ, яратилган шaroитлардан баъзи кўзаларни шира босди. Нима қилсак қиламиз, эркимиз ўзимизда деб ўзимизга ўта этилган ҳуқуқларни суиистеъмол қила бошладик. Айниқса, бундайлар орасида давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорлар борлиги ўта ачинарлидир.

Мана яна бир ҳаётий мисол. Ўз маҳалласининг баобру кишиларидан бири Кимсан ака ўғил ўйлантирди. Эрталабки ошининг таърифини қўя туриб кечки бозм оқшомига ўта қолайлик. Минг ўринли стол ноз-неъматларга тўлиб кетди. Бир сўз билан айтганда дастурхонда жўндан бошқа ҳамма нарса бор. Ичкилик мисли сув бўлиб оқди. Бир машина ароқ меймонларга яшиқлаб тарқатилди. Ўша тўйда қатнашаётган Маҳбубахон ичкилик зўридан тобора ўзини йўқотиб бораётган эрига: «Кўп ичманг, бўлди» ишорасини қилди. «Ўзгалар олдида мени беобру қилдинг», дея эр — Мўминжон хотинига ўдагайлади. Рўпарада ўтирган кўниси Абдурайим уни тинчитмоқчи бўлди. «Нега сен хотинимнинг ёнини олсан, нима ўрталарингда бир гап борми», дея Мўминжон кўнисиغا ташланди. Еқасидан маҳкам бўғиб қўлига тушган ароқ шишаси билан бошига урди. Қаттиқ зарбдан синган шиша қолдиги яна бирикки бор Абдурайимнинг юз-кўзини тилиб ўтди. Бир зумда ҳаммаёқ алғовдалғов бўлиб кетди. Хўш, охири фожиа, афсус-надомат билан тугаган бундай дабдабали тўйнинг кимга кераги бор?

Тўй-маъракалар тарихий аъналарига мос, камтарона иззат-ҳурмат руҳида ўтишига ҳеч ким қарши эмас. Шу ўринда улар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки тўйларда катталар билан бирга ёшлар ҳам қатнашади. Улар юриш-туришимиздан, одоб ила ўтири-

«Тошкент оқишони»

**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ**

**Қонунга ҳурмат ва
итоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

**4.8. Уй ҳайвонлари томонидан
етказилган зарар учун жавобгарлик**

142. Амалиётда уй ҳайвонлари томонидан зарар етказиш ҳоллари ҳам учраб туради. Кўпчилик одамлар бундай ҳолларда зарарнинг ўрнини қоплаттириш ҳуқуқи вужудга келмайди, деб янгилик ўйлашади. Шу масалага ойдинлик киритадиган қоида борми?

Бор. **Фуқаролик кодексининг 1002-моддасида** қатъий белгилаб қўйилганидек, уй ҳайвони томонидан етказилган зарар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади. Бинобарин, фуқаронинг соғлиғига, мол-мулкига ит, мушук, қўй-қўчқор, эчки, сиғир, буқа, ҳўкиз ва бошқа уй ҳайвонлари томонидан зарар етказилганда, фуқаро зарарнинг ўрнини қоплаттириш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолларда зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво талаблари ана шу талаблар юзасидан жавобгар бўладиган фуқаро, яъни жавобгар яшайдиган жойдаги ёки юридик шахс турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этилади. Бундай даъволар зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилиши ҳам мумкин.

Зарарни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этганлик учун давлат божи тўланади, унинг миқдори зарар фидаланган суммага нисбатан фоиз тарзида белгиланади.

Азиз китобхон, ёдингда бўлсинки, мамлакатимизда:

- ◆ Уйни, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini олиш-сотиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ҳамда уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш инспекциясида рўйхатдан ўтказилиши лозим

- ◆ Олди-сотди бўйича келишувга эришилган, тарафлар – сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб билан боғлиқ ҳаракатлар: бай пулини, кўчмас мулк қийматининг бир қисmini ёки ҳаммасини бериш тегишли тилхатлар билан расмийлаштирилади

- ◆ Автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси, агар улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, нотариал тасдиқланиши шарт. Бундай воситаларни айирбошлаш, ҳада қилиш, ижарага бериш шартномаларида ҳам шунга амал қилинади

- ◆ Қарз шартномаси оддий ёзма шаклда ёки нотариал тасдиқланган ёзма шаклда тузилади. Қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлса, бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт

- ◆ Қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда фойдаланиши шарт билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаши шарт

- ◆ Қарз чет эл валютасида ҳам берилиши мумкин. Чет эл валютасида берилган қарз, агар ўртада низо чиқиб, суд тартибда ҳал этиладиган бўлса, унинг миллий валютаси – ўзбек сўмига нисбатан давлат курси қийматида ундирилади

- ◆ Қарз олувчи қарз шартномасида белгиланган муддатда қарзни қайтара олмаса, қарз берувчи қарз суммасини фоизи билан ундириши мумкин. Қарзни ундиришнинг умумий даъво муддати уч йил. Бу муддат қарзни қайтариш мажбурияти вужудга келган вақтдан бошланади

- ◆ Қарз ва фоизларни ундириш тўғрисидаги даъво аризалари тақдим этганлик учун давлат божи қарзни ундириш тўғрисидаги даъво баҳосига асосланган ҳолда: даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлса – 5 фоиз, 20 бараваридан 40 бараваригача бўлса – 10 фоиз, 40 бараваридан 80 бараваригача бўлса – 15 фоиз, 80 бараваридан ортиқ бўлса – 20 фоиз миқдоридан тўланади

- ◆ Фуқаронинг мулкий аҳолига қараб суд уни давлат божидан озод этиши, давлат божи тўловни кечиктириши ёки уни бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши мумкин

- ◆ Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни, шу жумладан кўчмас мулкни, автоматотранспорт воситасини ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади

Яна шунчи ҳам унутмаслик лозимки:

- ◆ Кўчмас мулкни бошқаларга топширишда у ёки бу ҳисдорда сумма ҳам берилганлиги ва олинганлиги тўғрисидаги тилхатлар йўқлиги низо чиққан тақдирда, даъво талабларини қондириш рад этилишига асос бўлади. Гувохларнинг пул суммалари олинганлиги ёки берилганлиги тўғрисидаги қўрсатмалари далил ҳисобланмайди

- ◆ Гаров шартнома ёки қонун асосида юзага келади. Гаров шартномаси нотариал тасдиқланиши керак, агар бу шартнома квартира (уй) гарови билан боғлиқ бўлса, уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш инспекциясида, автоматотранспорт воситалари гарови билан боғлиқ бўлса, Давлат автомобиль назорати инспекциясида рўйхатдан ўтказилиши лозим

- ◆ Файриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бож берилган фойда зарарни етказилган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим

- ◆ Маънавий зарар, уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади, бинобарин жабрланувчи бундай зарар учун тоvon тўлаттириш ҳуқуқига эга. Маънавий зарар пул билан қопланади

- ◆ Фуқаронинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни шахснинг ўзи томонидан қопланади. Қонун ҳужжатларида бундай зарар бошқа шахслар, шу жумладан юридик шахслар томонидан тўланадиган ҳоллар ҳам назарда тутилган

(Давоми бор)

Назм гулшани

**ОНАМНИ ЮРАККА
ҚҲЙИБ КЕТАМАН**

Кимлардир дунёни кезиб ўтаркан,
Кимлардир ҳаётдан безиб ўтаркан.
Кимлар мол-дунёни севиб ўтаркан,
Мен фақат меҳрни севиб кетаман,
Ватанга меҳримни бериб кетаман.

Шу она тупроқда не-не ҳоқлар бор,
Не-не улуг зотлар руҳи бизга ёр.
Ўзбекининг сизинар буюқлари бор,
Мен доим қадрини севиб суйман,
Юртимдан ҳаммиша фахр туяман.

Биз Темур, Тўмарис авлодларимиз,
Бобурий наслининг шамшодларимиз,
Дунёни забт этган ўзбек элимиз,
Элимни соғиниб-севиб кетаман,
Ватанга ййоним бериб кетаман.

Сўнги борар манзил токи шу тупроқ,
Ватан ҳам, онам ҳам токи шу тупроқ,
Йўлим ҳам, қўним ҳам токи шу тупроқ,
Тупрогим кўзимга суриб кетаман,
Онамни юракка қўйиб кетаман.

АЁЛ...ГА

Сен табиат тухфа этган гул,
Сен ҳаётда бетакрор хилкат.
Сен борсанки хонишли булбул,
Сен борсанки бисёр бунда бахт.

Сен муҳаббат сарчасамасан,
Сен меҳрининг тугамас шаъми.
Ҳаё, ифбат, нур гулшанисан,
О, сендадир яшамок таъми.

Сен шунчалар юксакка тенгсан,
Қаҳринг келса этасан яқсон.
Қалбинг денгиз, энг меҳри кенгсан,
Ширин сўздан эриб кетасан.

ЯШАРМЕН

Бу дунёда кута-кута,
Адоларга айландим.
Меҳр истаб, меҳрга зор,
Гадоларга айландим.

Қиё боқмиш кимсаларга,
Бермам жисму жонимни,
Сенинг битта нигоҳинг чун,
Фидоларга айландим.

Адо менман, нидо менман,
Қароғимда яшарсен.
Фирок менман, йирок менман,
Нигоҳимда яшарсен.

Само уз-зоқ, рақиб душвор,
Дунё кўзинг кўр экан.
Бозор касод, меҳрим булоқ,
Кўз ёшимда яшарсен.

То тирикман, наин илким,
Рухсоримда яшарсен.

БИР ПАРЧА ЖОЙ БЕР

Кел, кўнглим кўчасин айла шодумон,
Супурий ташлагин хижрон чангларин.
Соғинчим хиллодир, илинчим осмон,
Мен кучиб ухларман ялдо тунларинг.

Аччиқ айрилиқни ташлагин тўкиб,
Юрак косасига сарқуш май тўлдир.
Райхон эк қалбимнинг уватларига,
О, жоним, бағримнинг поёни мўлдир.

Дилим тупроғида ундиргин бардош,
Шу ёруғ кўксимда кўш ҳайда, майли.
Сабримнинг чориги бўлсада одош,
Менга юрагингдан бир парча жой бер?!

Ул маъво севгимнинг бўлсин мазори,
Дафн эт руҳининг оромин ичиб.
Жон талаб қилса гар дилинг бозори,
Жонимни тутарман дунёдан кечиб.

Фақат юрагингдан бир парча жой бер?!
Марям АҲМЕДОВА

• БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Халқимиз ардоғида



**Хотира уйгонса гўзал-
Дир. Ўтганлар хотираси-
ни ҳурмат билан ёдга
олиш халқимизнинг аза-
ллий қадриятларидандир.**

Шаҳримизнинг энг сўлим ва хушманзара масканларидан бўлмиш Фағур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Барҳаёт сиймолар» туркумида таниқли кишилар хотирасига бағишлаб ўтказилаётган тadbирлар яхши анъанага айланган. Кунни кеча ушбу боғда машҳур қизиқчи Рустам Ҳамроқулов хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда санъат ихлосмандлари, таниқли кулгу усталари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Таниқли сўз устаси, актёр ва ҳофиз Рустам Ҳамроқуловни санъат ихлосмандларининг кўпчилиги яхши танийди албатта. Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институти тугатиб, Наманган вилояти мусиқали драма театрида иш бошлаган Рустам Ҳамроқуловнинг санъатга иштиёқи жуда баланд бўлган. У қисқа умр кўрган бўлса ҳам мазмунли ва самарали ижод қилди, санъат



оламида ёрқин из қолдири. У қизиқчи ва аскиячилар Республика кўрик-танлови совриндори бўлган, шахсий репертуаридан эса 50 га яқин ҳажвия ва ҳангомалар ўрин олди.

Рустам Ҳамроқуловнинг хотирасига бағишлаб ўтказилган тadbирда-филология фанлари доктори, профессор Мамақул Жўраев ва қизиқчин билган, таниган кишилар, яқин дўстлари, ҳамкасблари, шунингдек шоғирлари— севимли кулги усталари ҳамда санъатсевар халқимизга яхши таниш бўлган фарзандлари — Исмаилов ва Самандар Ҳамроқуловлар сўзга чиқиб илиқ хотиралардан сўзлаб бердилар. Жумладан, «Турон» ёшлар театр-студиясининг раҳбари Равшан Ёриев ҳамкасб дўсти хотирасини ҳаяжон билан ёдга олди:

— Рустам Ҳамроқулов таниқли драматик актёр. Масалан у «Гамлет»да ўйнаган роли ёки болалар учун сахналаштирилган спектакллардаги роллари билан томошабинларга яхши танилган. У ҳеч қачон роль танламасди. Рустам ҳам қизиқчи, ҳам актёр, ҳам ашулачи, ҳатто

рақсни ҳам ўрнига қўйиб ўйнарди. Бир сўз билан айтганда у ҳар томонлама ривожланган актёр бўлган. У ҳар бир роль устида тинимсиз ишларди. Бундан ташқари Рустам ўткир қалам соҳиби бўлган. Кўплаб ҳажвиялари, ҳикоялари «Мўштум» журналида чоп қилинган. Биронта спектакль Рустамсиз қўйилмас эди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Шуниси қувончлики, бутунги кунда Рустам Ҳамроқуловнинг фарзандлари Исқандар ва Самандар оталари хотираларини эъзозлаб, унинг изидан бориб, санъатсевар халқимиз қалбидан жой олиб, ўз мухлисларини топдилар.

Рустам Ҳамроқулов хотирасига бағишланган кечада таниқли кулги усталари ижросидаги ичказули аския ва ҳангомалар, хушовоз хонандалар ижросидаги дилбар қўшиқлар тadbирга янада фойз киритди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Рустам Ҳамроқулов хотирасига бағишланган тadbирдан лавҳалар.

Спорт

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси боксчилари Таиланднинг Бангкок шаҳрида яқиндагина яқунланган жаҳон чемпионатида еттинчи ўрин билан қиёфланишди. Шунинг таъкидлаш жоизки, 60 та давлатдан ташрифи буюрган чарм кўлоп усталари иштирокида кечган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистонликлар 1 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритишди. Ўн бир вазн тоифасида муросасиз кечган баҳсда ҳамюртларимиздан Шерзод Хусанов финалда голиблик учун кураш олиб борди. Ва очколар бўйича кубалик рақибига имкониятини бой берди. Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўринни Россия, иккинчи, учинчи ўринларни Куба, Қозоғистон терма жамоалари эгаллашди.

ФОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими хайрли ташаббусга қўл урди. Яъни, пойтахт туманларида вояга етмаган болалар ўртасида оммавий кўча спорт ўйинлари қизгин бошланиб кетди. Туманлар ҳокимликлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туманлар бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилаётган ушбу тадбирлар болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўчи кеча Собир Рахимов, Миробод, Сергели туманларида вояга етмаган болалар ўртасида спортнинг арқон тортиси, бадминтон, шахмат, шашка турлари бўйича оммавий кўча спорт ўйинлари ташкил этилди. Муросасиз, қизиқарли кечган баҳслар якунида голиб ва совриндорлар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИКЛАНМОҚДА

Истиклол шарофати туйғайли ота-боболаримиздан мерос қолган миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз яна тикланмоқда. IX асрда Қарши воҳисида пайдо бўлган ва аждодларимиз томонидан миллий спорт ўйини сифатида тан олинган бойкўрғон спорт тури бўйича пойтахтимизда уюштирилган мусобақа юқоридаги фикримизга яққол далил бўла олади. Шуниси қизиқки, спорт тури сифатида инсоннинг онгини ва дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилувчи бойкўрғон бўйича Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти жамоалари ўзаро куч синашди. Энг қувонарлиси, ҳақиқатан ҳам азалий спорт тури сифатида бойкўрғон мухлислари мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Муросасиз, қизиқарли курашлар остида ўтган мусобақа якунида жамоаларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Дарвоқе, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда бойкўрғонни ҳам бошқа спорт турлари қатори ривожлантириш, ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида омалаштириш зарурлиги таъкидланди. Ана шунда янги спорт тури жаҳон узра қанот ёздаи ва ишонимизки барчанинг сеvimли спорт ўйинига айланади.

Акбар ЙУЛДОШЕВ

Ҳисоб-китобларга кўра саванналарда яшайдиган жирафа, сўқоқ (антилопа) ва бошқа тўёкли жониворларнинг тирик вази ҳар гектар ерга ҳисоблаганда 15 килограммдан ошмас экан. Уша жониворлар билан ёнма-ён яшаётган қирчумолиларнинг умумий вази эса ҳаддан ташқари юқори бўлиб, гектарига 400 дан 800 килограммгача тўғри келади.

Қирчумолилар масофага ахборот узатиш бўйича ўзига ҳос сим қоқиш хусусиятига эга. Шу усулдан фойдаланиб улар ўз қариндошларига яқинлашиб келаётган хавф-хатар ҳақида узоқ масофадан туриб хабар қиладилар, яъни ер ости йўлақлари деворига бошларини уриб, хатарли сигнал узатадилар.

Жанубий Америкада яшайдиган чумолилар худди асаларила га ўхшаш асал тўплаш хусусиятига эга, фақат улар ўз асалини қоринчасида сақлайди. Бу хашаротлар чумолилар уясининг алоҳида бурчакларида яшайдилар. Бошқа чумолиларга овқат етишмай қолгандагина захиродаги асални ишлашар экан.

Бир килограмм асал тўплаш учун асалари ўз уйига 50 улаш (порция) нектар келтириши керак. Бунда ҳар бир улашнинг вази ари танасининг ярим оғирлигига тўғри келади. Бу-

нинг учун ари 300 минг гул гулчасига қўниб ўтиши ва бир кунда 20 қақирим масофани босиб ўтиши лозим бўлади.

Барг қирақадиган қир чумоли-

ана шундай овга чиқадилар. Гап шундаки, тропик худуднинг ўта кучли ёмғирдан чумолиларнинг тўплаган озуқалари — ўсимлик уруғлари намикиб, чириб кетиши мумкин. Шунинг учун қуёш чиқиси билан чумолилар ўз озуқаларини шамоллатиш мақсадида ташқарига чиқарадилар. Шунда очикқан бушменлар ўсимлик уруғларини йиғиб-териб оладилар ва

Аслини олганда қонни сўриш жараёнида зулукнинг сўлак безларидан черудин деган оқсил модда ажралиб чиқади ва у қоннинг ивишига қаршилик кўрсатади. Демак, черудин бир томондан қоннинг сўрилишига ёрдам берса, иккинчи томондан бу модданинг бир қисми бемор қонига ўтиб, уни маълум даражада суолтиради, натижада томирлар бўйлаб қоннинг айлиниши тезлашади ва бемор ўзини анча енгил сезади.

Баъзи бир капалак турлар ўзларининг ашаддий қашандалари бўлиши кўршалапақлар яқинлашиб келганда чап бериб қоладилар, яъни ультратовуш чиқариб, душманларини қалғитадилар. Натижада улар йўлдан адашади.

Австралиянинг яйловларида кен тарқалган гўнг қўнғизлар чорва моллари тезакларини қайта ишлашади. Ҳисоб-китобларга кўра бунда ҳосилдорлик ушбу қўнғизлар иштирокисиз олинмаган ҳосил миқдорига қараганда икки баробар зиёд бўлар экан.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

• ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Чумоли ҳам асал беради

нинг танасида ўсимлик ўсишини жадаллаштирадиган тероаксин модда топишган. Чумолилар ўз озуқаси ҳисобланган замбуруғни ўстириш учун ана шу моддани фойдаланар экан.

Қалаҳара чўлида яшовчи Африка бушменлари оч қолган оғларига чумоли инларини излашга отланадилар. Одатда улар ёмғир ёғиб ўтгандан сўнг

уларни ўғирда янчиб, унга айлантирадилар.

Тирик мавжудотлар орасида баъзи бир муносабатлар жуда ҳам қизиқ. Масалан, халқ таъбаотида қон босимига қарши зулук солиш қадимдан одат бўлган. Бунда бемор ҳақиқатан ҳам ўзини бирмунча енгил сезади, чунки ҳаром қонни зулук сўриб олди деб тушунилади.

Турфа олам

Тўққиз ОЙЛИГИДА ГАПИРГАН

Дезрли уч юз йил вақт ўтмоқда, бироқ ўша воқеа Дания қироллиги тарихида ҳалиям унутилгани йўқ. 1726 йилда қирол Фредрих IV салтанатига ёш, иктидорли бола — Любек Кристин Генрих Хейникен меҳмонга келиб, барчани ҳайратда қолдирган эди...

Танилиб танилганлар расмонинг ўғли бўлмиш Кристин 9 ойлигидек гапиршини бошлаган. Бир ёшлигида Инжилнинг 5 бобини ёддан билган. Бир ярим ёшида эса Инжилни бошдан оёқ ёд олган. Яна бир йил ўтгач, қадимда ҳукмронлик қилган барча подшоликлар тарихини осонликча ўзлаштирган.

Кристин кейинчалик географияда ўз қобилиятини синаб кўрди. 4 ёшли олим Даниянинг бир неча харитасини чизган ва қиролга кўрсатмоқчи бўлган. Қирол уни ота-онаси билан Копенгагендаги саройлардан бирида обрўли кишилар иштирокида қабул қилган. Бу учрашув биринчиси ва охиригиси эди. Негаки, ўша учрашув қатнашчиларининг барчаси боланинг қобилиятини кўриб, тўсатдан ҳушидан кетишди. Бу эса болага ёмон таъсир қилган. Кристин ўша йили 4 ёш 4 ойлик ва 21 кунлик умр кўриб вафот этган.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 104-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Абидов Руслан Зафарович номига берилган О"/R-B № 046181 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ**

«02»: ХОДИСА

Жамиятда учраб турадиган хавфли жиноятлардан бири фирибгарликдир.

Ушбу иллатни ўзига касб қилиб олган «уддабурон»лар одатда кўнгилчан, ишонувчан ва соддадил кишиларни турли хил найранглар билан алдашга уринадилар. Ачинарлиси шундаки, кўпинча улар ўйлаган мақсадларига осонгина эришиб, «миқоз»ларини сарсон-саргардонликда қолдириб кетадилар. Чилонзор тумани, 3-мавзёда яшовчи Е. Леонид исми шахс муқаддам судланган бўлса-да, ҳалол

меҳнат қилишга бўйин товлаб, фирибгарлик жиноятини содир этди. У «Чилонзор» савдо маркази олдида Фаргона вилояти, Қўқон шаҳри Учта бозор кўчасида истиқомат қилувчи Д. Шуқуровнинг ишончига кириб, «Чет элга ишга юбораман» деб, унинг 1000 АҚШ долларини кўртдайд санаб олади ва ваъдасининг устидан чиқмай қочиб юради. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳозирда ушбу жиноий ҳолат фож этилди.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази ноziри.



— Бу хиббонни ит боқувчилар эгалаб олгандан сўнг ташриф буюрувчилар қамайиб кетди. Абдурусул Ҳақимов чизган расм.

«Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамияти раҳбарияти, қасаба уюшма қўмитаси ушбу жамият назорат кенгаши раисининг ўринбосари **Эркин Мавлонович РАҲМОНБЕРДИЕВИН** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

БЕКА МАСЛАҲАТЛАР

Агар занжирли ёпқич (молния) кирланса ёки қийинчилик билан ёпилса, уни эски тиш чўткаси билан тозалаб эҳтиётлик билан шам суринг.

Эшикдаги қалит қийинчилик билан буралса, у қалитга совун ёки шам суринг.

Янги сотиб олинган тиш чўткасини юмшатиш учун уни бир неча соат бир қошиқ туз солинган сувга солиб қўйинг.

Агар уйингиздаги меҳмонлар хонада чекишса, шам ёқиб қўйинг: шам алангаси ҳавони бир мунча тозалайди. Шам бир текисда ёниши учун пиллик ёнига бир неча туз ташлаб қўйинг.

Музлатгич нафақат ёз фаслида, балки қишда ҳам керак бўлади. Уй ҳароратида озиқ-овқат маҳсулотлари бузилиб қолиши ва уни истеъмол қилган инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин. Ҳўш уйда музлатгич бўлмаसा нима қилиш керак?

◆ Сузма ва сариеғни шиша идишга ёки чинни идишга дарҳол ағдариб, қопқоғини зич ёпиб қўйиш керак.

◆ Тез бузиладиган озиқ-овқатни кичкина кастрюлкага, шиша ёки чинни банкага жойлаб сувли тоғора ичига қўйинг. Идишнинг қопқоғини зич ёпинг, банкларни эса ҳўл сочик билан ўраб, сочик учларини сувга тушириб қўйинг.

◆ Ёзда гўштни бир-икки кун сақлаш учун устига хом суг қўйиб қўйинг. Суг чиритувчи, саситувчи бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади.

◆ Сирка билан ҳўлланган сочикка гўшт ўраб қўйса бир суткагача айнимай туради.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
4204 нусxada босилди. Қозғ бирини А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсатқичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида И-раёнда билан рўйхатта олган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлари ёки «Тошкент почтамти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.